

“19” май 2022 йил.

Гулистон шахри.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Сирдарё вилояти АЙББ номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Суванов бир томондан, матнда кейинги ўринларда “Лойихачи” деб юритиладиган «MODERN ROAD PROJECT» МСНЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари М.Эргашев иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҶСАДИ

1.1.“Лойихачи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Сирдарё вилояти худудидаги Давлат аҳамиятдаги автомобиль ўулларини лойиха смета хужжатларини жорий таъмирлаш учун ишларни бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Лойихачи”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 17-май кунги танловда (**ЛОТ рақами № 22110012079144**) голиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **135 0000 000** (бир юз ўттиз беш миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштириладиган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Фазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблаг Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” маҳсус хисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “Буюртмачи” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тарикасида 30 % келишилган сумма “Лойихачи”нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” маҳсус хисобига туширилганидан сўнг, “Лойихачи” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. “Лойихачи” томонидан иш тўлиқ бажарип топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига кадар “Буюртмачи” гатопширилиши шарт хисобланади. Курсатилган муддатда “Лойихачи” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “Буюртмачи” томонидан молиялаштирилиш масаласи кайта куриб чикилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Лойихачи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойларда ишларни кўрсатилган муддатларда бажарип топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро хужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва хисоб варагфактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “Лойихачи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи Лойихачилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради. “Лойихачи” “Буюртмачи” олдида ёрдамчи Лойихачи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун хам жавобгар бўлади. “Буюртмачи” “Лойихачи” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи Лойихачиларга қўймайди.

3.4. “Лойихачи” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараённида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Лойихачи” тегишли тузатишларни ўз хисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар “Буюртмачи”нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Лойихачи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “Лойихачи” курилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. “Лойихачи” дафтари (журнал)да “Буюртмачи” томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Лойихачи” тўлиқ жавобгар бўлади.

“Лойихачи”нинг хукуклари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равища рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари “Лойихачи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлари смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва кўшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини қоплаш учун объектинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида “Буюртмачи”ни хабардор қилган холда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Лойихачи” зарур холларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета хужжатлари белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиккан холда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жарабённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хуносаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш хажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл кўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш хамжлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийланштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета хужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий хужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда хисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг хукуклари:

3.12. “Лойихачи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Лойихачи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш.

3.15. “Лойихачи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатлариға мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукуқига эгадир.

3.17. Агар “Лойихачи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объекти “Буюртмачи” га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Лойихачи” объекти ўз вактида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечикирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Лойихачи” томонидан ўз вактида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш хукуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вактида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечикирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган заарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида”ги Конунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши. Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “Лойихачи” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи Лойихачилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, “Лойихачи” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартерилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқсан тақдирда “Буюртмачи” ва “Лойихачи” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартериш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Конун хужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Фазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31декабргача амал қиласди.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки махаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг маҳсус хисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусҳаси ҳам хукуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БЮОРТМАЧИ”

Сирдарё вилояти АЙХББ

Гулистон ш., Тошкент кучаси 33-үй

Тел/факс: 0367 227-21-52

ш/х 304510860244017045152118001

СТИР: 206 317 761 ОКЭД: 97400

Молия Вазирлиги ягона

Фазначилик хисоб вараги

х/р 234 020 003 001 000 010

МФО 00014 ИИН 201 122 9196

Директор



ХУКУҚИЙ ХУЛОСА

“ЛОЙИХАЧИ”

«MODERN ROAD PROJECT » МСН

Тошкент ш., Г.Алиева 202-уй

АТИБ «Ипотека банк»

Тошкент ш. амалиёт бўлими

х/р: 2020800905025085001

МФО: 00419, ИИН: 302525436

Рахбар



М.Эргашев

Мен, Сирдарё вилоят Адлия бошқармаси томонидан берилган 2021 йил 27 мартағи ЮК №006567-сонли гуваҳномасига асосан фаолият юритувчи юқоридаги ушбу шартнома лойихасини хукуқий экспертизадан ўтказдим, ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодексининг тегишли моддалари ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги Конун ва бошқа конун хужжатлари талабларига зид эмаслиги сабабли, ушбу шартнома лойихасини имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Сирдарё вилояти АЙХББ
юридик маслаҳатчisi

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Конунни ва бошқа конунларига мувофик тузилган.
Хукуқиёнот Фуқаролик кодекси,

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Конунни ва бошқа конунларига мувофик тузилган.

Ж.Хасанов

Ж.Ж.Хасанов



“К Е ЖИШИ ЖИ”
Ўзбекистон Республикаси
Меня Валери Ўрибесарди

A. Xanthopoulos

Соглашение о приеме граждан в 2011 и 2010-2011 учебный год

Journal of Polymer Science: Part A: Polymer Chemistry
Volume 37, Number 10, October 1999
pp. 3521-3526

卷之三

14

1000